

Хужжатнинг рус тилидаги
матнига қаранг

**Биржадан ташқари валюта бозорида
хорижий валютани харид қилиш ва сотиш
операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

ЎзР ВМ 25.10.2001 й. 422-сон Қарори,
ЎзР ВМ 05.01.2002 й. 7-сон Қарори,
ЎзР ВМ 10.10.2002 й. 354-сон Қарори,
ЎзР ВМ 08.01.2003 й. 7-сон Қарори,
ЎзР ВМ 16.07.2003 й. 317-сон Қарори,
ЎзР ВМ 15.08.2003 й. 355-сон Қарори,
ЎзР ВМ 01.10.2003 й. 420-сон Қарори,
ЎзР ВМ 07.10.2003 й. 434-сон Қарори,
ЎзР ВМ 27.07.2006 й. 149-сон Қарори,
ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарори

- I. Умумий қоидалар
- II. Банклараро валюта бозорида операциялар ўтказиш
- III. Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси маблағлари билан банклараро савдо сессиясида операциялар ўтказиш
- IV. Хўжалик юритувчи субъектларнинг биржадан ташқари валюта бозорида қатнашиши
- V. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сўмларни хорижий валютага конвертация қилишга буюртманомалар тақдим этиш
- VI. Тақдим этилган буюртманомаларнинг ваколатли банклар томонидан кўриб чиқилиши
- VII. Битишувларни амалга ошириш ва ваколатли банкларда ҳисоб-китобларни расмийлаштириш тартиби
- VIII. Назорат ва ҳисобот

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом "Валюта билан тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг "Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2001 йил 22 июндаги 263-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда биржадан ташқари валюта бозорида ваколатли банклар ва юридик шахслар томонидан хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича савдоларни амалга ошириш ва ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгилаб беради.

2. Биржадан ташқари валюта бозорида қуйидаги операциялар амалга оширилади:

а) корхоналар ва ташкилотларнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган экспортдан олинган валюта тушумини мажбурий сотиш; (ЎзР ВМ 25.10.2001 й. 422-сон Қарори таҳриридаги кичик банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

б) ваколатли банклар томонидан ўз мижозларидан бўш валюта маблағларини шартнома асосида харид қилиш;

в) хорижий валютани товарлар ва хизматлар импорти учун харид қилиш; (ЎзР ВМ 01.10.2003 й. 420-сон Қарори таҳриридаги кичик банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

г) хорижий кредитларга хизмат кўрсатиш учун хорижий валютани харид қилиш; (ЎзР ВМ 25.10.2001 й. 422-сон Қарори таҳриридаги кичик банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

д) лизинг шартномалари бўйича лизинг тўловларини амалга ошириш (лизинг берувчилар маблағларини қайтариш) учун хорижий валютани харид қилиш;

е) хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналарига сарфланадиган харажатларни қоплаш, халқаро ташкилотларга бадаллар тўлаш ва давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган бошқа жорий харажатлар учун хорижий валютани харид қилиш;

ж) хорижий инвесторларнинг фойдаси, дивидендлари ва бошқа даромадларини репатриация қилиш учун хорижий валютани харид қилиш;

з) хизмат сафари харажатларини тўлаш учун хорижий валютани харид қилиш;

и) ваколатли банклар томонидан банклараро савдо сессиясида маблағларни харид қилиш ва сотиш;

к) Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ операциялар;

л) нақд хорижий валютани алмаштириш шохобчалари орқали харид қилиш ва сотиш операциялари;

м) қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа операциялар. (ЎзР ВМ 07.10.2003 й. 434-сон Қарори таҳриридаги кичик банд)

3. Биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш учун куйидагилар ваколатли банклар валюта маблағларининг асосий манбалари ҳисобланади:

а) ваколатли банкларнинг ўз ресурслари, шу жумладан тақсимланмаган фойда;

б) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан марказлаштирилмаган экспортдан олинган хорижий валютадаги тушумнинг бир қисмини мажбурий сотишдан тушган маблағлар;

в) ваколатли банклар томонидан шартнома асосида ўз мижозларидан сотиб олиннадиган бўш валюта маблағлари;

ЎзР ВМ 01.10.2003 й. 420-сон Қарорига мувофиқ г) кичик банд чиқариб ташланган

г) сўмларда бюджетга тўловлар ва банклар ссудалари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлари бўлган корхоналар ва ташкилотларнинг ваколатли банкларга мажбурий сотиладиган валюта маблағлари;

ЎзР ВМ 01.10.2003 й. 420-сон Қарорига мувофиқ "д" ва "е" кичик бандлар "г" ва "д" кичик бандлар ҳисоблансин

г) ваколатли банклар томонидан алмаштириш шохобчалари орқали ва банклараро битишувлар бўйича сотиб олинган маблағлар;

д) ваколатли банкларга жойлаштирилган бошқа жалб қилинган маблағлар.

4. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш, Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси маблағларини

шакллантириш ва улардан фойдаланиш, шунингдек жисмоний шахслар томонидан алмаштириш шохобчалари орқали хорижий валютани харид қилиш ва сотиш ҳукуматнинг тегишли қарорлари ва норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Биржадан ташқари валюта бозори қуйидагиларни ўз ичига олади:

банклараро валюта бозори;

бевосита банкларда содир этиладиган ваколатли банк билан унинг мижозлари ўртасидаги хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операциялари;

нақд хорижий валюта билан алмаштириш шохобчалари орқали валюта-алмаштириш операциялари.

6. Ваколатли банкларга ушбу Низомга мувофиқ ўз мижозларини банклараро валюта савдоларида (савдо сессияларида) сўмларни хорижий валютага конвертация қилишга рухсат бериш юзасидан ҳуқуқ ва жавобгарлик юкланади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

7. Хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича операциялар биржадан ташқари валюта бозорида ваколатли банклар орқали барча юридик шахслар томонидан амалга оширилади. (ЎзР ВМ 16.07.2003 й. 317-сон Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

II. БАНКЛАРАРО ВАЛЮТА БОЗОРИДА ОПЕРАЦИЯЛАР ЎТКАЗИШ

8. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банклари ва Марказий банк банклараро валюта бозори қатнашчилари ҳисобланади.

Марказий банк банклараро савдо сессияларида фақат Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси маблағлари билан қатнашади.

9. Ваколатли банкларнинг мижозлари банклараро валюта бозори битишувларида фақат ўзлари мижози ҳисобланган ваколатли банклар орқали қатнашиши мумкин. Ушбу ҳолда ваколатли банк бозорда мижознинг топшириғига кўра ўз номидан иш кўради.

10. Банклараро савдолар сессияларида ваколатли банкларнинг валюта ресурсларини харид қилиш ва сотиш операциялари амалга оширилади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарори таҳриридаги хатбоши)

Биржадан ташқари валюта бозори операцияларининг қуйидаги турлари фақат банклараро савдо сессияларида амалга оширилади:

ваколатли банклар томонидан валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотиш;

ваколатли банклардан маблағларни Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасига харид қилиш;

Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси маблағларини сотиш Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушаётган миллий валютадаги маблағларни Марказий банк томонидан конвертация қилиш бундан мустасно. (ЎзР ВМ 27.07.2006 й. 149-сон Қарори таҳриридаги хатбоши)

11. Ваколатли банклар марказлаштирилмаган экспортдан тушган валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан тушган маблағларни 3 иш кунидан кеч бўлмаган муддатда банклараро савдо сессиясига қўйишлари шарт.

12. Банклараро валюта битишувлари Ўзбекистон республика валюта биржасининг (кейинги ўринларда валюта биржаси деб аталади) бир ҳафтада камида икки марта

ўтказиладиган банклараро савдо сессияларида амалга оширилади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Банклараро савдо сессиясини ўтказиш вақти соат 11.00 дан 13.00 гача этиб белгиланади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарори таҳриридаги хатбоши)

13. Савдо қатнашчилари Банклараро савдо сессияси бошланишидан бир кун олдин хорижий валютани харид қилиш ёки сотишга олдиндан буюртманомалар беришлари шарт.

Бунда қатнашчиларнинг буюртманомаларига Банк бошқаруви раиси томонидан имзоланган хорижий валютанинг манбалари ва улардан фойдаланиш мақсадлари тўғрисидаги ахборот илова қилинади.

14. Савдо қатнашчиларининг операцияларини ўтказиш учун етарли бўлган хорижий валютадаги пул маблағлари банклараро савдо сессиялари бошлангунгача Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги махсус ҳисоб рақамларига депонентга қўйилади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Банклараро савдо сессияси ўтказиладиган кундан олдинги кунда соат 15.00 гача Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасини бошқариш кенгаши ишчи органига савдо қатнашчиларидан олдиндан тушган буюртманомалар учун маблағ мавжудлиги бўйича ахборот берилади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Юқорида кўрсатилган шартларни бажармаган савдо қатнашчилари банклараро савдо сессиясида қатнашишга қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хорижий валютадаги пул маблағларини олдиндан депозитга қўймасдан банклараро савдо сессияларида иштирок этади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

15. Сўмга нисбатан хорижий валютанинг бошланғич курси сифатида олдинги банклараро савдо сессиясида қайд қилинган курсдан фойдаланилади. Савдо бошлангунига қадар савдо тизимида хорижий валютани харид қилиш ва сотишга тушган буюртманомалар бўйича ахборот акс этирилади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Агар савдонинг бошланишида хорижий валютани таклиф этишнинг умумий миқдори унга бўлган талабнинг умумий миқдоридан ортиқ бўлса, биржа маклери хорижий валютанинг сўмга нисбатан курсини пасайтиради. Агар хорижий валютани таклиф этишнинг умумий миқдори унга бўлган талабнинг умумий миқдоридан кам бўлса, биржа маклери хорижий валютанинг сўмга нисбатан курсини оширади.

16. Хорижий валютанинг сўмга нисбатан курсини ўзгартиришнинг энг кам бирлиги - 0,01 сўм. Курснинг навбатдаги ўзгариши дилерлар савдо тизимида биржа маклери томонидан охири марта эълон қилинган курс бўйича хорижий валютани харид қилиш ёки сотишга тушган қўшимча буюртманомаларни киритилганларидан кейин амалга оширилади. Талаб ва таклиф ўртасидаги тафовутдан келиб чиққан ҳолда биржа маклери, савдо қатнашчиларининг розилиги билан курс ўзгариши бирлигини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.

Сотиш ёки харид қилишга навбатдаги қўшимча буюртманома тушган тақдирда талаб ва таклиф ўртасидаги тафовут белгиси ўзгарган тақдирда энг охирида берилган буюртманома фиксингни белгилаш учун зарур бўлган ҳажмда қолдирилади.

17. Жорий савдолар учун хорижий валютанинг миллий валюта - "сўм"га нисбатан қайд этилган курси хорижий валютага талаб ва таклиф мутаносиблигига эришилганидан кейин белгиланади.

Бунда биржа маклери фиксинг содир этилганлигини ва савдо сессияси яқунланганлигини эълон қилади.

18. Савдо давомида тузилган барча битишувлар учун фиксинг бўйича белгиланган хорижий валютанинг миллий валюта - "сўм"га нисбатан ягона курси қўлланилади.

19 Ваколатли банклар ва уларнинг мижозлари ўртасида хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларни ўтказишда олдинги ҳафта мобайнида ўтказилган банклараро савдо сессияларида қайд қилинган курсларнинг ўртача миқдоридан фойдаланилади. (ЎзР ВМ 25.10.2001 й. 422-сон Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

ЎзР ВМ 07.10.2003 й. 434-сон Қарорига мувофиқ 20-банд ўз кучини йўқотган

20. Савдо давомида сўмнинг хорижий валютага нисбатан курсининг чекланган ўзгариши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Савдолар давомида сўмнинг хорижий валютага нисбатан курсининг чекланган ўзгаришининг белгиланган миқдорига эришилган тақдирда биржа маклери бу ҳақда савдо қатнашчиларига маълум қилади, техник танафус эълон қилади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига вужудга келган вазият тўғрисида ахборот беради.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курснинг чекланган ўзгаришининг янги миқдорини белгилаган ҳолда савдони тиклаш, ёхуд савдони бўлмаган деб ҳисоблаб унинг натижаларини бекор қилиш тўғрисида кўрсатма беради.

ЎзР ВМ 07.10.2003 й. 434-сон Қарорига мувофиқ 21-банд ўз кучини йўқотган

21. Савдо бўлмаган деб эълон қилинган тақдирда курс ва савдо натижалари қайд этилмайди. Банклараро савдо сессиялари қатнашчилари ва ташкилотчилари мазкур савдолар бўйича ўзаро талаблар ва мажбуриятлардан эркин ҳисобланадилар.

22. Савдо тамом бўлгандан кейин икки соат мобайнида унда тузилган битишувлар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Ваколатли банклар валюта биржаси билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган хорижий валютадаги пул маблағлари савдолар ўтказиладиган кун тамом бўлгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги махсус ҳисоб рақамларига ўтказилишини таъминлаши шарт. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

Ваколатли банклар билан валюта биржаси ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар савдолар ўтказилгандан кейинги кундан кечикмай амалга оширилади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

Валюта биржаси билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ўз вақтида пул маблағлари билан таъминланмаган хорижий валютани харид қилиш бўйича битишувларнинг бир қисми валюта биржаси қоидаларига мувофиқ бекор қилинади. Ваколатли банклар томонидан сотиб олинмаган хорижий валюта Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сотиб олинади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

Валюта биржаси билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун пул маблағлари ўз вақтида ўтказилишини таъминламаган ваколатли банкларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва валюта биржаси томонидан белгиланган тартибда жарима жазолари қўлланилади. (ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

III. БИРЛАШГАН БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИ БИЛАН БАНКЛАРАРО САВДО СЕССИЯСИДА ОПЕРАЦИЯЛАР ЎТКАЗИШ

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банклараро савдо сессияларидаги барча операциялари фақат Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасининг маблағларини харид қилиш ва сотиш йўли билан амалга оширилади.

24. Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банклараро савдо сессияларида талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланадиган эркин курс бўйича белгиланган тартибда:

мижозларнинг ваколатли банклар томонидан жалб қилинган сотувга қўйиладиган бўш валюта маблағларининг бир қисмини;

валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан тушган валюта маблағларининг талаб қилинмаган қисмини сотиб олади.

25. Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасининг маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

банклараро валюта савдоларини ўтказишнинг хорижий валютага талаб ва таклиф негизидаги бозор принципларига асосланган янги нормалари ва уларни ўтказиш тартибини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда банклараро валюта савдоларига хизмат кўрсатиш;

биржадан ташқари валюта бозорида операциялар кўламини кенгайтириш ва кўпайтириш;

валюта бозори эркинлаштирилиши даврида тўлов балансини ва хорижий валютани алмаштириш курси барқарорлигини сақлаш.

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган манбалардан тушаётган миллий валютадаги маблағларни Марказий банк томонидан хорижий валютага конвертация қилиш. (ЎзР ВМ 27.07.2006 й. 149-сон Қарори таҳриридаги хатбоши)

26. Банклараро савдоларда Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси маблағлари билан операциялар ўтказиш ва уларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасини бошқариш кенгашининг қабул қилинган қарорларига қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

IV. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ БИРЖАДАН ТАШҚАРИ ВАЛЮТА БОЗОРИДА ҚАТНАШИШИ

27. Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар ўтказиш учун кафолатли банклар ўз мижозларига махсус валюта ҳисоб рақамлари очадилар, ушбу ҳисоб рақамларига валюта бозорида сотиб олинган хорижий валюта ўтказилади. Махсус валюта ҳисоб рақами очмасдан банк мижози томонидан хорижий валюта харид қилинишига йўл қўйилмайди.

Махсус валюта ҳисоб рақамига шунингдек мазкур ҳисоб рақамидан илгари чиқарилган ва фойдаланилмаган ёки қайтарилган валюта ҳам ўтказилади.

Махсус валюта ҳисоб рақамидаги маблағлардан қатъий равишда мижознинг буюртманомасида назарда тутилган хорижий валютани харид қилиш мақсадларида фойдаланилади.

Қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

махсус ҳисоб рақамидан нақд валютани олиш, хизмат сафари харажатлари тўлаш учун олиш бундан мустасно;

махсус валюта ҳисоб рақамидан хорижий валютани хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа валюта ҳисоб рақамларига ўтказиш, шунингдек маблағларни депозитга жойлаштириш ва ҳисоб рақамлари қолдиғига фоизлар ҳисоблаш.

ЎзР ВМ 15.08.2003 й. 355-сон Қарорига мувофиқ 28-банд ўз кучини йўқотган

28. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан валюта харид қилиш фақат уларнинг миллий валютадаги ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Хорижий валютани қарз олинган ресурслар ҳисобига сотиб олиш қатъиян тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ЎзР ВМ 05.01.2002 й. 7-сон Қарорига мувофиқ 2 хатбоши чиқариб ташланган

Рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб камида 6 ой мобайнида ўз фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

29. Ваколатли банкларда хорижий валютани сотиб олиш учун миллий валютада етарли ҳажмда резерв қилинган пул маблағларининг мавжудлиги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютани сотиб олиш бўйича операциялар ўтказишнинг мажбурий шarti ҳисобланади. (**ЎзР ВМ 15.08.2003 й. 355-сон Қарори таҳриридаги банд**) (**Олдинги таҳририга қаранг**)

30. Бюджет ташкилотлари хорижий валютани харид қилишга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки маҳаллий молия органлари томонидан тасдиқланган маблағлардан фойдаланиш йўналиши кўрсатилган ҳолда тегишли йилга давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларида фойдаланиш назарда тутилган пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда қўйиладилар.

V. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ТОМОНИДАН СЎМЛАРНИ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАГА КОНВЕРТАЦИЯ ҚИЛИШГА БУЮРТМАНОМАЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ

31. Хорижий валютани харид қилиш учун ваколатли банкларнинг мижозлари бўлган корхоналар ва ташкилотлар банкка қуйидагиларни тақдим этадилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича конвертацияга буюртманома;

б) хорижий ҳамкор билан тузилган контракт (шартнома, битим). (**ЎзР ВМ 07.10.2003 й. 434-сон Қарори таҳриридаги кичик банд**)

ЎзР ВМ 08.01.2003 й. 7-сон Қарорига мувофиқ в) кичик банд чиқариб ташланган

в) илгари сотиб олинган валюта маблағларидан фойдаланиш тўғрисида ахборот;

ЎзР ВМ 07.10.2003 й. 434-сон Қарорига мувофиқ г) кичик банд чиқариб ташланган

г) маблағларнинг чет элга ўтказилиши ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (юкка оид боғхона ҳужжатлари, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномалари ва бошқалар).

Валютани харид қилиш мақсадига боғлиқ равишда мижозлар шунингдек ваколатли банкларга буюртманомаларнинг асосланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам тақдим этадилар.

ЎзР ВМ 15.08.2003 й. 355-сон Қарорига мувофиқ 32-банд ўз кучини йўқотган

32. Асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар ва хизматлар импорт қилинганда ваколатли банкка қўшимча равишда қуйидагилар тақдим этилади:

ЎзР ВМ 05.01.2002 й. 7-сон Қарорига мувофиқ 2 хатбоши чиқариб ташланган

мазкур контракт бўйича харажатларнинг тегишли даврда импорт прогнозига киритилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома;

маҳсулотнинг келиб чиқиши, сифати ёки мувофиқлиги тўғрисида ваколатли органлар томонидан берилган сертификат нусхалари ёки улар берилиши тўғрисида маҳсулот етказиб берувчиларнинг кафолат хатлари;

буюртманомада кўрсатилган асбоб-ускуналар, хом ашё ва материалларга эҳтиёжни тасдиқловчи маълумотлар.

ЎзР ВМ 15.08.2003 й. 355-сон Қарорига мувофиқ 33-банд ўз кучини йўқотган

33. Истеъмол товарларини импорт қилишда ваколатли банкка қўшимча равишда қуйидагилар тақдим этилади:

а) товарларни чакана сотувчи корхоналар учун:

нақд савдо тушуми инкассация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

б) улгуржи савдо корхоналари учун:

импорт товарлар сотишдан тушган нақд пуллар чакана савдо ташкилотларига тушганлиги тўғрисида ваколатли банклар томонидан тасдиқланган маълумотлар. (ЎзР ВМ 08.01.2003 й. 7-сон Қарори таҳриридаги банд)

34. Хорижий валютадаги кредитларга, шу жумладан лизинг битимлари бўйича кредитларга хизмат кўрсатишда ваколатли банка қўшимча равишда қуйидагилар тақдим этилади:

асосий суммани ва фоиз тўловларини қайтариш жадвали (банк ўтказмаларини содир этишнинг назарда тутилган ва амалдаги саналари кўрсатилган ҳолда);

олинган ёки ҳукумат томонидан кафолатланган шартномалар бўйича - ҳукуматлараро битим нусхаси, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган кафолатнома;

кафолатланмаган шартномалар бўйича - кредит битимининг Марказий банкда рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида тасдиқнома.

35. Хорижий инвесторларнинг фойдаси, дивидендлари ва бошқа даромадлари репатриация қилинганда ваколатли банкка қўшимча равишда қуйидагилар тақдим этилади:

фойда тақсимланганлиги (акциядорлар умумий йиғилишининг қарори) ва дивидендлар тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

аудиторлик фирмаси ёки солиқ органининг хулосаси нусхаси;

конвертацияга маблағлар ҳисоб-китоби;

дивидендлар бўйича даромадга солиқ бўйича солиқ органлари томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб ва ушбу солиқ тўланганлиги тўғрисидаги тасдиқнома.

ЎзР ВМ 10.10.2002 й. 354-сон Қарорига мувофиқ 35-банд ўз кучини йўқотган

35. Марказий банк лицензиялари эгалари бўлган корхоналарга сўмдаги маблағларни конвертация қилишга буртманомалар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси томонидан тасдиқланган Марказий банкнинг лицензиялари эгалари бўлган корхоналарга биржадан ташқари валюта бозорида сўмларни хорижий валютага конвертация қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

VI. ТАҚДИМ ЭТИЛГАН БУЮРТМАНОМАЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ

36. Тижорат банки банк мижозлари хўжалик юритувчи субъектларнинг биржадан ташқари валюта бозорига сўмларни хорижий валютага конвертация қилишга қўйилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Мижозларнинг сўмларни конвертация қилиш бўйича буюртманомаларини кўриб чиқиш учун ваколатли банкларда эксперт гуруҳлар ташкил этилади.

Эксперт гуруҳ аъзолари таркиби ва унинг раҳбари банк Бошқарувининг қарори билан тасдиқланади.

37. Хорижий валютани харид қилиш ва сотиш буюртманомаларини қабул қилишда ваколатли банклар:

уларни махсус дафтарларда қайд этади;

мижозлар тақдим этган ҳужжатларни ва уларнинг ҳисоб рақамларида зарур бўлган пул маблағларининг мавжудлигини текширади; (ЎзР ВМ 15.08.2003 й. 355-сон Қарори таҳриридаги хатбоши)

ЎзР ВМ 10.10.2002 й.354-сон Қарорига мувофиқ тўртинчи хатбоши чиқариб ташланган

истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясининг мавжудлигини текширади.

Тақдим этилган ҳужжатлар ваколатли банклар экспертлари томонидан уч иш куни мобайнида кўриб чиқилади. (ЎзР ВМ 15.08.2003 й. 355-сон Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Берилган буюртманоманинг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аниқланганда эксперт гуруҳ раҳбарининг қарорига кўра буюртманома мижозга қайта ишлашга жўнатилади ёки рад этилади ҳамда бу тўғрида буюртманомаларни рўйхатга олиш дафтарига тегишли қайд киритилади.

38. Тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга жавоб берган ҳолларда эксперт гуруҳ аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасдиқлайдиган шакл бўйича ваколатли банкнинг эксперт хулосаси тайёрланади.

Ваколатли банк эксперт гуруҳининг ижобий қарори қабул қилинган кундан кейинги кундан кечикмай хорижий валюта харид қилиш учун буюртманома беради. (ЎзР ВМ 15.08.2003 й. 355-сон Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

39. Ваколатли банкларнинг эксперт хулосаларини бериш тўғрисидаги қарорлар ваколатли банк эксперт гуруҳининг банк бошқаруви томонидан белгиланган муддатларда, лекин камида ҳафтасига икки марта ўтказиладиган йиғилишларда қабул қилинади.

Эксперт хулосаларини қабул қилиш, қайта ишлаш учун қайтариш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор эксперт гуруҳ йиғилишининг эксперт гуруҳ барча аъзолари томонидан имзоланадиган баённомасида қайд этилади.

Эксперт гуруҳ ижобий қарор қабул қилган буюртманомалар бўйича эксперт хулосалар ваколатли банк бошқарувининг раиси томонидан тасдиқланади.

Банк бошқаруви раиси эксперт гуруҳнинг фаолияти, қабул қилинаётган қарорларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги учун шахсан жавоб беради.

VII. БИТИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАРДА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

40. Хорижий валютани харид қилиш ва сотишга доир операциялар ваколатли банк ва мазкур банкнинг миждози бўлган хўжалик юритувчи субъект ўртасида тузиладиган, банкнинг ваколатли шахслари, хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан икки нусхада имзоланадиган ва томонларнинг муҳри билан тасдиқланадиган шартномага асосан амалга оширилади.

41. Шартномада томонлар валюта номини, битишув хусусиятини, хорижий валютадаги суммани, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, томонларнинг мажбуриятлари, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидаларни акс эттирадilar. Тузилаётган шартномалар ваколатли банклар томонидан махсус журналларда рўйхатга олиб борилади.

42. Амалга оширилган битишувлар бўйича ҳисоб-китоблар икки иш куни мобайнида ўтказилади.

Агар белгиланган муддат ичида ҳисоб-китоблар тугалланмаган бўлса, битишув бекор қилинади.

43. Биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар охириги банклараро савдо сессиясида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланадиган эркин курс бўйича амалга оширилади.

44. Махсус валюта ҳисоб рақамларига қўшиб қўйилган маблағлар корхоналар ва ташкилотлар томонидан қатъиян мақсадли равишда тузилган шартномаларга мувофиқ сарфланади.

45. Банк миждози томонидан харид қилиниб, миждознинг махсус валюта рақамига қўшиб қўйилган вақтдан эътиборан 7 иш куни мобайнида фойдаланилмаган хорижий валюта, муқаррар равишда ваколатли банкка қайта сотилади ҳамда навбатдаги банклараро савдо сессиясида сотувга қўйилади.

Бунда ваколатли банклар томонидан хорижий валютани қайта сотиш акцептсиз тартибда сотув кундаги курс бўйича амалга оширилади.

Илгари махсус валюта ҳисоб рақамидан кўчирилган ва фойдаланилмаганлиги ёки қайтарилмаганлиги сабабли мазкур ҳисоб рақамига қайтиб тушган валюта ҳам қайта сотилиши шарт.

46. Ўтказилган операциялар учун ваколатли банклар харид қилинган ёки сотилган хорижий валюта суммасининг кўпи билан 2 фойзидан ошмаган миқдорда воситачилик мукофоти олиш ҳуқуқига эга.

VIII. НАЗОРАТ ВА ҲИСОБОТ

47. Корхоналар ва ташкилотлар, ваколатли банкларнинг раҳбарлари мазкур Низом талабларига риоя этилиши учун шахсан жавоб берадилар.

48. Ваколатли банклар корхоналарнинг конвертацияга буюртманомалар беришининг тўғрилиги, харид қилинган хорижий валютадан ўз вақтида ва мақсадли фойдаланилиши, валютани тартибга солиш ва валюта назоратига доир бошқа қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

49. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бўлинмалари томонидан мазкур Низомга мувофиқ конвертация қилинадиган суммаларни белгилашнинг тўғрилиги юзасидан текширишлар ўтказиб турилади.

Ортиқча конвертация қилинган суммалар аниқланганда солиқ органларининг кўрсатмаси билан ортиқча конвертация қилинган хорижий валюта ваколатли банклар томонидан корхоналарнинг ҳисоб рақамларидан кўчирилади ҳамда мазкур суммалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб рақамларига қўшиб қўйилади.

50. Мижозларнинг операциялари бўйича валюта назорати агенти функцияларини бажармаслик ва мазкур Низомда назарда тутилган тартибга риоя этмаслик ваколатли банклар вақтинчалик, 6 ой муддатгача, ички валюта бозорида хорижий валюта харид қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш, ёки ваколатли банкнинг хорижий валютадаги операцияларни ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг олиб қўйилиши учун асос бўлиши мумкин. (ЎзР ВМ 07.10.2003 й. 434-сон Қарори таҳриридаги банд)

51. Ваколатли банклар биржадан ташқари валюта бозорида ўтказилаётган операциялар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шакл ва муддатларда ахборот тақдим этади.

**) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиясига эга бўлган истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналардан ташқари.*

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 13-сон 2001 й.